ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши йиллик анжуманининг Тошкентда ўтказилиши

ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 2 май, жума № 69 (1494)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

4 май соат 9.00 да «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг «Амир Темур» залида ЕТТБ Бизнес-анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Бу ерда шу куни Ўзбекистон Республикасининг тақдимоти ҳам ўтказилади. Соат 15.00 да эса «Туркистон» саройида ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши XII йиллик йиғилишининг биринчи сессияси ўз ишини бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ байрами - 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 58 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 13000 (ўн уч минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 май

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Иккинчи Европа департаменти директори Жон Одлинг-Смини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари, Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўзаро мулоқот, ҳамкорлик тобора фаоллашиб бораётир, дейишга барча асослар борлигини таъкидлади.

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтадиган мажлиси доирасидаги тадбирларда ХВЖ вакилларининг иштирок этиши ушбу анжуман нуфузини янада оширишини ҳам қайд этмоқчиман, - деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон дунёнинг энг нуфузли молиявий муассасаларидан ҳисобланган ХВЖ билан ўн йилдан зиёд вақт давомида ҳамкорлик қилиб келади. Жамғарма тўлов баланси ва бюджетни қўллаб-қувватлаш, молиявий ёрдам кўрсатиш, амалий маслаҳатлар орқали Ўзбекистондаги ислоҳотларга кўмаклашиб келмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида тузилган Мониторинг дастури муваффақиятли амалга оширилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Пешку туманидаги "Навбаҳор" маҳалласи аҳолиси маҳалла спорт майдончасини ободонлаштириш учун ҳашар уюштирмоқда. Бир-икки ҳафта мобайнида улар футбол ва баскетбол майдонларини қуриб битказишди.

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

— Фақат ҳашар билан муаммони ҳал қилиш қийин эди , - деди маҳалла раиси Мухтор Чўлиев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Футбол майдони дарвозаларини қуриш, майдончани ёритиш зарур эди. Бу ўринда бизга маҳалла тадбиркорлари ёрдам беришди.

Бу хайрли ишга "Холмат" ва "Энергетик" фирмалари ўз улушларини қўшишди.

"Туркистон-пресс"

ТЕНГИ ЙЎҚ ЛОЙИҲА

Зарафшонни бежиз олтин изловчилар шаҳри, дейишмайди. Юртимиздаги энг бой олтин конлари шу ерда. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда Мурунтов олтинининг ўзига хос ҳиссаси бор. Айниқса, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг барпо этилиши Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлади.

Юртбошимиз қўшма корхона ҳақида гапирганида: «Зарафшон-Ньюмонт» янги мустақил давлатлар орасида тенги йўқ лойиҳадир. Мен ушбу қўшма корхонага муваффақият ва равнақ тилайман. Унинг ташкил қилиниши Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кучайтириш борасида муҳим қадам, деб ўйлайман» деган эди.

Дарҳақиқат, ушбу корхонанинг ишга тушиши Ўзбекистон тарихида катта воқеа бўлди. Дунёнинг қимматбаҳо маъданларга бой жойларидан бири - Марказий Қизилқум заминида деярли бутун Менделеев даврий жадвалига кирган кимёвий моддаларни учратиш мумкин.

40 йил илгари Ўзбекистонда олтин қазиб олиш саноатига тамал тоши қўйилган бўлса, истиқлол йилларида олтинтопарлар ҳаётида янги, шонли саҳифа очилди. 1992 йил 16 январ куни АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» корпорацияси билан Навоий кон-металлургия комбинати ўртасида Мурунтовда иккиламчи чиқиндидан олтин олишни йўлга қўйиш ҳақидаги шартномага имзо чекилди. Мурунтовда қўшма корхона қуришга киришилди. АҚШнинг Колорадо штатидаги «Бейтман» компанияси қурилишга раҳбарлик қилди. Асосий ускуналар умумон ортидан келтирилди. Айрим қурилиш материаллари Жанубий Корея ва Жанубий Африкадан сотиб олинди. Бир кеча-кундузда 40 минг тоннагача чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга бўлган хориж технологияси ўрнатила бошлади. Зарафшон қурилиш бошқармаси, «Жанубсаноатмонтаж» ҳамда «Бейтман инжениринг» ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари билан қурилиш-монтаж ишлари 18 ойда ниҳоясига етказилди.

Қизилқум бойликларини ўзлаштиришда янги қадам бўлган бу йирик иншоотнинг ишга туширилишида Юртбошимизнинг бевосита ғамхўрлиги сезилиб турди. Бу лойиҳани амалга оширишда АҚШнинг «Ньюмонтголд» компанияси ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти, муҳандис-олимларининг салоҳияти намоён бўлди. Қўшма корхона жамоаси 2000 йилгача 50 тонна олтин олган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 100 тоннадан ошди.

Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият саройида бўлиб ўтган тантанали маросим юзинчи тонна олтин олинишига бағишланди.

Юртбошимизнинг шу муносабат билан зарафшонлик олтинтопарларга йўллаган табригини «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский ўқиб эшиттирди.

Тантанада сўзга чиққанлар кончилар меҳнати, улар учун яратилган шарт-шароит ҳақида сўзлади. Бир гуруҳ илғорларга совғалар топширилди. Санъаткорлар тантанага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тантанада Навоий вилояти ҳокими Ф.Рўзиев, «Ньюмонт майнинг» корпорацияси компанияси бош ижрочи директори У.Мэрди иштирок этди.

(ЎзА).

АНЖУМАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этиш учун Ўзбекистонга кўплаб меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Мамлакатимизда бу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари деярли якунига етди. Шу кунларда халқаро жамоатчиликнинг бутун эътибори республикамиздаги воқеаларга қаратилади деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон бундай йирик халқаро анжуманни ўтказиш учун танлангани бежиз эмас. Бу Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос самараси ва турли халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиши белгисидир.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши қўшимча хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Бу борадаги вазифаларни амалга ошириш учун республика банк муассасалари кўп ишларни амалга оширмоқда. Улар чет эл банк тузилмалари кредит линиялари воситасида лойиҳаларни молияламоқда.

Натижада республикада юқори технологик ишлаб чиқариш қувватлари яратилмоқда, янги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш жадал ўзлаштирилмоқда. Нафақат ишлаб чиқариш тузилмасининг ўзида, балки маҳсулот экспортида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жаҳон бозорларига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган маҳсулотлар тобора кўпроқ жўнатилмоқда. Айни пайтда аҳоли бандлиги масалалари ҳал этилмоқда.

Мамлакат хорижий инвестициялари портфелини амалга оширишда Асака банк ҳам ўз ўрнига эга. У Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линиялари бўйича турли лойиҳаларни молияламоқда.

Асака банк 1995 йилда Ўзбекистон автомобил саноатининг устувор йўналишларини молиялаш мақсадида ташкил этилган эди. Бугунги кунда у мамлакатнинг иккинчи йирик банки бўлиб, низом жамғармаси 150 миллион АҚШ долларига тенг. Банк фаолиятининг бошида бундай ихтисослашув мамлакатимиз учун стратегик жиҳатдан муҳим тармоқ - автомобилсозликни ривожлантиришга куч ва ресурсларни йўналтириш зарурати билан изоҳланарди.

Ўз фаолиятини ривожлантириш ва банк хизматлари бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш жараёнида Асака банк ўз фаолият соҳасини диверсификация қилиш ва кредит ташкилотининг универсал шаклига ўтиш ишларини амалга оширди. Бу аввалига рақобат муҳити талаблари, кейинчалик хусусийлаштириш жараёни инициализация қилиниши давомида инвесторларнинг талаблари билан изоҳланади. Улар хусусийлаштиришни амалга ошириш йўлидаги тўсиқлардан бири сифатида банк кредит портфели таваккалчилигининг юқори концентрациясини қайд этишарди.

Хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш мақсадида ўтган йили банк муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, кредит портфелини диверсификация қилиш чоралари доирасида банк бир қарздорга ёки қарздорлар гуруҳига таваккал концентрациясини халқаро стандартлар даражасига (25 фоиздан кам) туширишга муваффақ бўлди.

Бугунги кунда Асака банк республиканинг деярли барча вилоятларида 24 та бўлимга эга. Бу бўлимлар иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва умумовқатланиш тизими кабі тармоқларида кўплаб мижозларга кенг қўламли хизматлар кўрсатмоқда.

Асака банкнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорлиги тарихи 1996 йилдан бошланган. Ўшанда давлат дастури доирасида кичик ва ўрта тадбиркорлик тармоғидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича биринчи кредит битими имзоланган эди. Қисқа даврда иккала банк ўртасида ўзаро манфаатли асосда дўстона муносабатлар юзага келди.

Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki

Бугунги кунда Асака банк умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларига тенг саккизта лойиҳани молиялади. Бу лойиҳалар озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган. Импорт ўрнини босувчи бундай муҳим товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нафақат республика аҳолиси эҳтиёжини қондириш, балки чет элга экспорт қилиш имконини беради.

Ушбу лойиҳаларнинг энг йириги умумий қиймати 4,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, замонавий немис технологиясидан фойдаланган ҳолда ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Qorakolteks» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини ташкил этишга қаратилган. Бу корхона ишга тушгач, 100 киши иш билан таъминланади.

Асака банк ва ЕТТБнинг яна бир истиқболли лойиҳаси замонавий немис технологияси асосида ип ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Бу ҳар йили 150 минг жуфт ишчилар пойабзали ва ҳарбий кийим ишлаб чиқариш имконини беради. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун кредит маблағлари зарурати 4,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Корхона ташкил этилгач, 27 киши иш билан таъминланади.

Асака банк ЕТТБнинг савдони молиялаш бўйича дастурида қатнашади ва 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит лимитига эга. Бу кредит банк мижозларининг экспорт-импорт операцияларини молиялаш, шу жумладан «ЎзДЭУавто» корхонаси учун бутловчи қисмларга ҳақ тўлашда ишлатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 1998 йилнинг октябридан бошлаб мамлакатимиз ҳукуматининг қарорига кўра, ЕТТБ Асака банкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Банклар ўртасида олти йил давомида синалган ишончли муносабатлар ўрнатилгани ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жумладан банк соҳасидаги ислоҳотлар қўллаб-қувватланаётганини ҳисобга олиб, ЕТТБ биринчилар қатори мазкур банкни хусусийлаштириш жараёнида қатнашиш истагини билдирди.

Бугунги кунга келиб, Асака банк ва ЕТТБ ўртасида Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун 15 миллион АҚШ доллари миқдорида навбатдаги кредит линиясини ажратиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Бу кредит битими халқаро анжуман доирасида имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ж.РАУПОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашида 9 Май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Марказий кенгаш раиси Эркин Боқибоев бошқарган тадбирда Юртбошимиз ташаббуси билан 9 Май - Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши мамлакатимиз, халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, фахрийлар ҳамиша иззату икромда экани, уларга давлат томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани таъкидланди. Кекса авлод вакиллари бугунги кунда республикамиз жамият ҳаётида фаол қатнашиб, ёшларни ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Тадбир иштирокчилари - вилоятлар ва Тошкент шаҳар фахрийлари вакиллари пойтахтимизнинг Хотира майдонида бўлиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Кекса авлод вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам бўлди.

(ЎзА)

Ўзбекистон ва жаҳон

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН

компьютер тизими орқали бошқарилади

«Haqipet» — Германиянинг «Петкус Вуга» фирмаси ва Тошкент вилояти «Ҳақиқат» корпорацияси ҳамкорлигида барпо этилган жаҳон андозаларига мос уруғликлар тайёрлаб берадиган улкан саноат корхонасидир. У Жаҳон банкининг инвестицияси асосида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Қўшма корхонанинг ишга туширилиши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг негизи бўлган уруғчилик соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эътиборлиси шуки, барча технологик жараёнлар тўла компьютер тизими орқали бошқарилади. Чет эл технологияларини пухта эгаллаган республикамизнинг билимдон ва малакали мутахассислари ишончли оқлаб, ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Маъмурият, касаба уюшма қўмитаси ишловчилар учун қулай шароитлар яратган. Алоҳида кийим-бош, транспорт воситалари муҳайё этилган. Ўртача ойлик маош 70 минг сўмни ташкил этмоқда. Агар ишчи-хизматчи асосий вақтдан ташқари ишласа, икки баробар ҳақ тўланади. Ижтимоий ҳимоя яхши йўлга қўйилган. Кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш, қўнгилли дам олишларини таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга ошириляпти.

Т.ЎРИНБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ туманидаги «Haqipet» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси





ҚЎШМА КОРХОНА — ХОРИЖ ИШОНЧИ

Пойтахтликлар «Кобул-Ўзбек» қўшма корхонасининг «Кўкча» фабрикасини яхши билишади. Чунки бу ишлаб чиқариш мажмуида тайёрланаётган маҳсулотларнинг донги узоқларга кетган.

– Фабрикамизда 2000 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳратжон Қосимов. – Ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг кўпчилиги Тошкент вилоятида истиқомат қилишади. Шу боисдан транспорт хизмати корхона ҳисобидан, тушлик ҳам бепул.

95 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

«Кобул-Ўзбек» қўшма корхонаси дастлаб 1996 йили Тўйтепа шаҳрида ташкил этилганди. 1999 йилнинг 1 декабрига келиб унинг яна бир бўлими Тошкент шаҳрида фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда бу ерда 4 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи ишламоқда. Ўтган йили 35 минг тонна калава, 19 миллион 500 минг погонметр хом сурп ишлаб чиқарилди. Жами 61 миллион 500 минг долларлик маҳсулот Америка Қўшма Штатларига ҳамда Ғарбий Европа давлатларига экспорт қилинди.

– Маҳсулотлар юқори сифатли бўлишига алоҳида эътибор бермоқдамиз,- дейди корхона раҳбарининг муовини Нодир Мусаев. – Қувончлиси шуки, уларнинг 95 фоизи хорижликларга сотилмоқда.

Дарҳақиқат, қўшма корхонада жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш жоизки, ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган имтиёзлар ва меҳнат муҳофазаси муваффақиятлар калити бўлиб хизмат қилмоқда. Ишчиларга ойлик маошлари ўз вақтида тўланмоқда. Ундан кейин бу ерда тариф ва ойликларни индексация қилиш ҳам йўлга қўйилган.

Ишчи-хизматчиларга меҳнат шароитларини яратиш учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили ишчиларнинг бепул овқатланишларига 447 миллион, транспорт харажатларига 226 миллион сўм сарфланди. Ётоқхоналарда 250 нафардан зиёд ишчи бепул яшамоқда. Улар 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланишган. Ишчи-хизматчиларнинг кўпчилиги Жанубий Кореяда касб-маҳоратларини ошириб қайтишмоқда. Айни кунда 62 нафар ёш йигит-қизлар ўқиш учун жўнатилган.

Қўшма корхонанинг барча фабрикаларида тиббий бўлимлар ишлаб турибди. Зарур ҳолатларда улар шифохонага ётқизилади ва даволаш учун кетган барча харажатлар корхона ҳисобидан қопланади. Ўтган йили барча ишчи-хизматчилар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ишчиларга моддий ёрдам кўрсатиш учун касаба уюшма қўмитаси барча чораларни кўрмоқда. 2002 йили 970 нафар ишчига 5 миллион 870 минг сўмлик кўмак маблағи берилди. Мустақиллик байрами арафасида кўп болали, кам таъминланган оилаларга 1 миллион 632 минг сўмлик турли маҳсулотлар тарқатилди. 59 нафар ишчига санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланма берилди. Уларнинг фарзандлари эса ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди.

Касаба уюшма қўмитаси қошида спорт йўриқчиси фаолият кўрсатмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан футбол, волейбол, шоҳмот-шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилиб турилибди. Уларда ўтган йили 400 нафар ишчи иштирок этди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Бундан ташқари корхона спортчилари тармоқ касаба уюшмалари Марказий ва вилоят қўмиталари биринчиликларида иштирок этиб, яхши натижаларга эришишяпти.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Ғ. ХИДИРОВ
олган суратлар

Барча инвестицияларнинг салмоқли қисми биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилди.

Натижада мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатга бардошли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда.

МУТАХАССИСЛАР ИТАЛИЯДА ЎҚИБ КЕЛИШДИ

Урганч шаҳридаги «Даритал» қўшма корхонаси 1999 йилда ишга туширилган. Италия билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу корхона пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Корхона касаба уюшмасининг 129 нафар аъзоси бор. Бу ерда ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Маънавият ва дам олиш хоналари меҳнаткашлар ихтиёрида. Уларга махсус кийим-бош берилган.

Қўшма корхона томонидан тайёрланган эркаклар ва аёллар пойабзалларини республикамизнинг барча вилоятларида харид этиш мумкин. Унинг экспорт салоҳияти ҳам ўсмоқда. Хусусан, ўтган йили корхона Россиянинг Екатеринбург шаҳрида савдо уйи очиб, 100 минг долларлик маҳсулотини сотди.

Ўтган йили қўшма корхонада шартномавий режалар 5 миллион сўмга ошириб бажарилди. Олти хил оёқ кийимлари чиқариш билан иш бошлаган қўшма корхона шу кунга келиб 80 дан зиёд турдаги маҳсулот чиқаряпти. Олти нафар мутахассис ўз соҳаси бўйича Италияда ўқиб, ўз билимларини ошириб келдилар.

Э. ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЮКСАЛИШНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Қадимда Қашқадарё ҳунармандларининг жундан тўқилган матолари, зардўзлик буюмлари, олача, бўз ва беқасамлари пишиқлиги, сифатлилиги билан Мағрибу Машриқда шуҳрат қозонган. Бундан етти йил муқаддам Қаршида пахта хомашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган енгил саноат мажмуасининг вужудга келиши авлод-аждодлар касби давомийлигига садоқат намунаси бўлди.

«Каштекс» қўшма корхонаси республика ип-газлама тикув саноатининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Япония, Италия, Швейцария ва Туркиянинг машҳур фирмалари томонидан тайёрланган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган йирик мажмуа ўзининг экспорт салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Пахтани қайта ишлаш заводи ип-йигирув, бўёқ ва пардозлаш, трикотаж, тўқув, бичув каби олтита йирик фабрикадан иборат корхона тўлиқ автоматлаштирилган. Бир йилда 25 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган заводда тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон андозаларига мос келади.

Илк бор 26 хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда уларнинг сони 43 турдан ошди. Айниқса, эркаклар ва аёллар ички кийимлари, ёстиқ жилдлари, чойшаблар, ҳамширалар халати, болалар спорт формалари мамлакатимизда ҳамиша харидоргир ва нархи ҳам арзон.

Бундан ташқари тайёрланаёган хилма-хил газламалар, калава-ип, трикотаж полотноси ҳамда тикув маҳсулотларига ташқи ва ички бозорларда ҳам талаб катта. Айни пайтда Туркия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон сингари мамлакатларнинг савдо тармоқларига маҳсулот жўнатилмоқда.

Корхонада бултур бир миллиард 527 миллион 549 минг сўмлик тайёр маҳсулот, бир миллиард 745 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари, 500 тонна калава-ип, 96 минг пагонметр газлама, бир миллион 938 минг дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилди. Иқтисодиётни эркинлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. 2003 йилнинг биринчи чорагида 515 миллион сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулот, 231497 сўмлик халқ истеъмол моллари 120 тонна калава-ип, 70 минг пагонметр ип газлама, 720 минг дона трикотаж буюмлари истеъмолчиларга етказиб берилди. 86 миллион 294 минг сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Бугунги кунда қашқадарёлик чеварлар қўлидан чиққан кийим-кечакларни ҳамма вилоятларнинг савдо тармоқларида учратиш мумкин. Тошкентдаги Чилонзор буюм бозорида иккита дўкон очилган. Россиянинг Иваново шаҳрида фирма дўкони ишлаб турибди.

Республикамиз пойтахтида ўтказилган саноат моллари савдо ярмаркасида истеъмолчи ташкилотлар билан бир миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар тузилди. Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Урганч, Бухоро, Термиз шаҳарларидаги савдо ташкилотларидан спорт буюмлари ва тиббиёт халатларига кўплаб буюртмалар бор.

Швейцариянинг «Себо» фирмаси бўёқларидан кенг фойдаланилаётганлиги маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бераяпти. Ҳиссадорлик жамиятида «Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш-Швейцария-Гонконг» интертекс қўшма корхонаси ташкил этилаяпти.

Эл-юрт манфаати билан яшаш бахт. Жамоада яратилган соғлом муҳит-интизом ва уюшқоқлик юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаяпти. Ип-йигирувчи Малоҳат Мақсудова, Наргиза Абраева, тарашлаш цехи оператори Шоҳида Баҳорова, тўқувчи Рухсора Ғаффорова, бичувчи Ҳадича Ҳақбердиева, бўёқ-пардозлаш цехи ишчиси Норбой Қодиров меҳнат унумини тобора ошириб юксак натижаларга эришяптилар.

Юксалишнинг ойдин йўлидан бораётган жамоа жорий йилда 2 миллиард 255 минг сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Бироқ, корхонанинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Ҳозирги кунда омборларда сотилмаган 191591 минг сўмлик тайёр маҳсулот сақланиб турганлиги, 50 та замонавий дастгоҳлар ўрнатилган пахтани қайта ишлаш заводи тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётганлиги, ишчиларга дивидендлар вақтида тарқатилмаганлиги ҳиссадорлик жамияти раиси Усмон Шариповнинг янада қатъийлик билан иш тутишини тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти сусткашликни ёқтирмайди. Маҳсулот сифати учун кураш ҳар бир ишчининг қалбидан жой олгандагина яратувчилик жараёни бутун корхонани қамраб олиши мумкин.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМЛИ

Бозор муносабатлари кўп жиҳатдан талаб ва таклифлар асосида ривожланади. Шу боис «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти корхоналари буюртма асосида ишлаб, маҳсулот сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Техник ускуналарни сақлаш ва таъмирлаш бошқармаси, «Кастинг» унитар корхонаси ва Тиркамалар ишлаб чиқариш корхонаси «Урганчкорммаш» билан тузган шартномаси ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Шартномага мувофиқ завод ер ҳайдаш учун плуглар тайёрлаб беради. «Кастинг» унитар корхонасида эса деталлар қуйилади. Техник ускуналарни сақлаш ва таъмирлаш бошқармаси эса механик ишлов бериш билан шуғулланади. Тиркамалар ишлаб чиқариш корхонасида энг сўнгги жараён - пайвандлаш, йиғиш, бўяш ишлари бажарилади.

Авваллари «Урганчкорммаш» плугларни Россиядан сотиб оларди. Завод билан ҳамкорлик харажатларни камайтириш, маҳсулотларни қисқа вақтда сифатли тайёрлаш имконини бермоқда. Ҳозирга қадар 200 дан ортиқ плуг тайёрланди.

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган тракторлар конструкциясининг соддалиги ва фойдаланишга қулайлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

«ШЕНГДОН» ФИРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Ўтган йили Жиззах шаҳрининг Саноатчилар ҳудудида полиэтилен газ ва сув қувурлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «ЛРС-Пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ташкил этилганди. Айни вақтда бу ерда диаметри 63 миллиметрдан 250 миллиметргача бўлган қувурлар ишлаб чиқарилаяпти. Хомашё асосан республикамиздан. «Шўртангаз» кимё мажмуаси билан 2000 тонна полиэтилен хомашёси олишга шартнома имзоланган. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилган қувурларнинг таннархи анча арзон. Бунинг устига буюртмачилар учун яна бир имтиёз яратилган. Бу ҳам бўлса узоқ жойдан келган буюртмачига махсулотни олиб кетиши учун 500 метргача узунликдаги қувурлар ўраб берилади.

Маҳсулот Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳатто Қозоғистон республикасига ҳам етказиб берилаяпти.

Корхона қошида қувурларни ўрнатиб берадиган шуъба корхона ҳам ташкил этилган. Улар Жиззах, Навоий, Сирдарё вилоятларида монтаж ишларини бажаришмоқда. Корхонанинг маҳсулот тайёрлаш қуввати 4 минг тоннага яқин бўлиб, жорий йилда ишлаб чиқариш режаси 2000 тоннани ташкил этади.

Имкониятлар йилдан йилга кенгайиб бормоқда. 2003 йилда коммунал хизмат соҳасида ишлатиладиган совуқ сув, иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун полиэтилен ва полипропилен қувурлар ишлаб чиқарувчи линияни ўрнатиш мўлжалланган. Шунингдек, жорий йилда Жанубий Кореянинг «Шенгдон» фирмаси билан ҳамкорликда полиэтилен қувурларини улаш мосламалари ишлаб чиқариш ҳамда аккумулятор батареялари корпусларини полиэтилендан тайёрлашга оид лойиҳа ишлари олиб борилмоқда.

Н. БЎРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Интилганга толе ёр

«ХОБАС – ТАПО»ГА СИФАТ СЕРТИФИКАТИ

Мустақиллик тадбиркорлик учун жаҳон дарвозаларини кенг очди. Бугунги кунда мамлакатимизда 3 мингдан зиёд қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Ҳукуматимизнинг бу борадаги узоқни кўзлаб олиб бораётган саъй-ҳаракати дастлабки кунларданоқ ўз самарасини бера бошлади.

«Хобас–Тапо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси юртимизда ташкил топган дастлабки ҳамкорликдаги корхоналардан бири. У учинчи йилдирки, ўзининг сифатли маҳсулотлари билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам танилган. Қисқа муддатда бу ерда жаҳон андозаларига мос нометал қувурлар, фитинглар, муфтлар, қудуқлар, сув сақлаш сиғимлари ишлаб чиқарилмоқда. «Хобас-Тапо»нинг нометал маҳсулотлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида, канализация тармоқлари, дренаж, «Сув таъминот» корхоналарида, ишлаб-чиқариш технологик линияларида, қишлоқ хўжалиги ва ирригация иншоотларида асқотмоқда.

Бундан ташқари Россия, Қозоғистон, Украина, Тожикистон каби мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Туркия, Эрон, Афғонистон давлатлари билан маҳсулот учун шартнома имзоланган. Умуман, корхона бизнес лойиҳасига кўра ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 50 фоизи четга экспорт қилинса, қолгани республикамиз ичкарисидаги истеъмолчиларга етказиб берилиши режалаштирилган.

Шу ўринда нометал маҳсулотларнинг металл қувурлардан қандай фарқи бор ва устунлиги нималардан иборатлигига тўхталиб ўтсак. Аввало маҳсулот сифати хусусида: ишлаб чиқарилаётган нометал қувурлар Германиянинг Дармштадт шаҳридаги гидравлика ва гидрология илмий текшириш институтида синовдан ўтказилади. Унинг натижаларига эътибор берилса, эксплуатация қилинган металл қувурларнинг ички емирилиши 9 миллиметрга етса, нометал қувурлар емирилиши 1миллиметрга етмаслиги илмий таҳлил этилган. 70 даража иссиқда ҳам, 60 даража қаҳратонда ҳам чидамлилиги лаборатория текширувларида аниқланган. Энг муҳими, нометал қувурларда пўлат ёки металл қувурларда учрайдиган зарраларнинг кўчиш ҳолати учрамайди. Бу ҳол аҳолига тоза ичимлик суви етказиб беришда қўл келади ва бу қувурларда занглаш ёки коррозия ҳолатлари юз бермаслигига кафолатдир. Шунингдек, у юқори босимларга чидайди ва 4 метр чуқурликда кўмилганда ҳам, 60 тоннагача юкни бемалол кўтара олади. Шу боис, уларни турар жойлар қуришда, кўприклар ва ер остида бемалол ишлатиш мумкин.

Жорий этилган технологиялар маҳсулотларнинг қаттиқлиги даражасини керак бўлганда бундан ҳам юқорига ошириш имконини беради. Унинг юқори чидамлилиги ва кафолати 50-75 йилга мўлжалланганлигининг асосий сабаби ҳам шундан.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу корхона МДҲ давлатлари орасида ягонадир. «Хобас-Тапо» маҳсулотлари экологик жиҳатдан тоза, атроф-муҳит ифлосланишига зарарли таъсир қилмайди. Бир сўз билан айтганда, энди юртимизда қурилаётган иншоотлар учун керак бўладиган нометал маҳсулотлар хориждан валютага сотиб олинмайди. Бугунгача «Хобас-Тапо» маҳсулотлари «Тоза сув» дастури бўйича Нукус ва Урганч шаҳарлари ичимлик суви узатиш тармоқлари учун етказиб бериларди, ҳозир Олмалиқ металлургия комбинати ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарида кенг фойдаланилмоқда. Корхона маҳсулотлари турли халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, дипломлар билан тақдирланган. Масалан, Екатеринбург шаҳрида ўтказилган «Уралиндустрия» ҳамда Алматидаги «Экватек» кўргазмасида нометал маҳсулотларга қизиқиш катта бўлди.



Ҳозирга кунда қўшма корхонада 199 нафар ишчи ходим меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти «Хобас-Тапо» ўқув курсларини битиришган, ўз касбининг усталаридир.

– Ишчиларга яратилаётган шарт-шароит ва меҳнат муҳофазаси бўйича шаҳарда ўтказилган кўрик танловда ғолиб чиқдик. Ходимларимиз зарарли ишда ишлагани учун маошдан олинадиган солиқлар бекор қилинган, – дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Бобур Исроилов.

Яқинда корхона фаолиятида яна бир янгилик юз берди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва ишлаб чиқариш технологияларига Халқаро Сифат Сертификати берилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

УСКУНАЛАР ЎРНАТИЛЯПТИ

Избоскан тумани маркази Пойтуқда Ўзбекистон мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида "Вейлай силк" Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси ишга тушди. У пилла чиқиндилари ва пахта толасининг қуйи навларини қайта ишлайди, шунингдек ипак ва аралаш газламалар ишлаб чиқаради.

Қўшма корхона устав жамғармаси 2 миллион 552,3 минг АҚШ долларини ташкил этади. Қўшма корхона муассислари "Ўзбек ипаги" уюшмаси ва Хитойнинг "Вейлай" корпорацияси ҳисобланади. Шу кунларда Хитойдан келтирилаётган ускуналарни ўрнатиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Корхона 2004 йилнинг охирига бориб 300 тонна пилла чиқиндиси ва 400 тонна қуйи навли пахта толасини қайта ишлаш қувватига эришади. Шунингдек, корхонада 100 тонна ипак ипи ва 350 тонна аралаш калава ишлаб чиқарилади. Қўшма корхонада тайёрланган маҳсулотлар ташқи бозорга чиқарилади. Маҳсулотлар экспортини ташкил этишни хитойликлар ўз зиммасига олади.

Оммавийлик йўлида

ИШДАН СЎНГ ЎЙИНГОҲГА

Ўтган йили ёз ўрталарида ўзбек футболининг 90 йиллиги муносабати билан Наманганга ташриф буюрган тошкентлик фахрий футболчилар «Учқўрғондонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятида тўхташди. Уларни бу ерга корхонада жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган юксак эътибор чорлаган эди. Бинобарин, меҳмонлар ишчи-хизматчилар ўртасида спортнинг бу қадар оммавийлашганлигини кўриб қойил қолганликларини яшира олмадилар.

Ҳақиқатдан ҳам корхонада спорт анча ривожланган. «Олтин бошоқ» футбол жамоаси вилоят биринчилиги мусобақаларида доимо фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Волейбол, шоҳмот-шашка каби қатор спорт тўгараклари ишлаб турибди. Спорт клуби ва майдонлари ҳар қандай туман маркази ва унча-мунча шаҳарникидан қолишмайди. Фақат ушбу ҳиссадорлик жамиятидагина эмас, бугунги кунда вилоятнинг кўплаб меҳнат жамоаларида, маҳалла, мактаб ва ўқув юртларида саломатликни мустаҳкамлаш ҳамда узоқ умр кўриш гарови бўлган жисмоний тарбия ва спорт кенг оммалашиб бормоқда.

Мисол учун, Косонсой туманидаги «Кўқумбой» ширкат хўжалигини олайлик. Спорт йўриқчиси Дилмурод Жумабоев раҳбарлигидаги футбол жамоаси фақат туман ёки вилоятдагина эмас, балки мамлакатимизда ҳам таниқли ҳисобланади. Жамоа бир неча йилдан буён хўжалик, туман ва вилоят шаънини муносиб, ҳимоя қилиб келмоқда. Шу билан бирга, спортнинг волейбол, баскетбол турлари ҳам тобора оммавий тус олмоқда. Шунингдек, «Наманган алоқа тармоқлари» ҳиссадорлик жамияти, шойи газламалар корхонаси ҳамда бошқа қатор хўжалик ва ташкилотларда, муассасаларда спортнинг у ёки бу тури бўйича жамоалар фаолият кўрсатмоқда. Наманган Давлат университети, Муҳандислик-иқтисодиёт ва Муҳандислик-педагогика институтлари каби ўқув юртларимизда спорт оммавийлигига эришилганки, бунинг самараси ўлароқ, талаба-ёшларнинг биринчи универсиада мусобақалари вилоятимизда ўтказилди. Унда университетимиз жамоаси шоҳсупага кўтарилди. Кейинги универсиада беллашувларида ҳам вакилларимиз олдинги ўринларни қўлдан бермай келмоқдалар. Албатта, бунда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам муносиб улуши бор.

Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти 577 та меҳнат жамоасини ўзига бирлаштирган бўлиб, уларда 509391 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар ихтиёрига 21 та ўйингоҳ, 9 та спорт зали, 6 та сузиш ҳавзаси, 1298 та турли спорт майдончалари бериб қўйилган. Ушбу спорт иншоотларида 33421 нафар киши мунтазам равишда, 49008 нафар киши эса секцияларда шуғулланиб келмоқда. Тизимга қарашли 3 та БЎСМда эса вилоят меҳнаткашларининг 834 нафар фарзанди 7 тур бўйича 31 нафар мураббийдан спорт сирларини ўрганмоқда. Улар орасида 4-БЎСМ тарбияланувчилари — Нодир Юнусов Венгрияда ўтказилган каратэ бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон кубоги

мусобақасида ғолиб бўлган эса, Бобир Юнусов фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Ўтган йилнинг 1-3 март кунлари Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт мажмуида ўтказилган каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатида 4-БЎСМ спортчиларидан уч нафари — Нодир Юнусов, Ҳулкар Каримова, Мирзоҳид Асқаровлар зафар қучишди. «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган республика турнирида эса мактабнинг футбол бўлими ёш спортчилари муваффақият қозондилар.

Умуман, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳукуматимизнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб, спортчиларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш чора-тадбирларини кўрмоқда. 1999-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган дастур бўйича барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида оммавий-соғломлаштириш тадбирлари мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Ўтган йилнинг апрел ойида барча туманларда ўтказилган касаба уюшмалари тармоқлараро қишлоқ спартакиадаси 2-босқичида 2000 нафардан ортиқ спортчи иштирок этганлиги бунинг яққол далилидир. Дарвоқе, мазкур мусобақа ғолиблари — вилоят терма жамоаси республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасида иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, вилоят касаба уюшмалари таълим ва фан, энергетика, алоқа, давлат муассасалари ходимлари спартакиадалари ташкил этилди ва уларда мингдан ортиқ киши оммавий спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, 2002 йилнинг ўзида 2 та спорт устаси, 27 та усталикка номзод ва 382 нафар биринчи разрядли спортчилар тайёрланди.

Шу кунларда вилоят касаба уюшма тармоқ қўмиталарининг «Отам, онам ва мен — соғлом оила» шиори остида спорт тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Айниқса, таълим ва фан, маданият ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмиталарининг мусобақалари ғоят қизиқарли тус олмоқда. Шунингдек, Наманган шаҳри ва Давлатобод туманида Обод маҳалла йилига бағишланган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган енгил атлетика, сузиш, мини футбол мусобақалари ҳам кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Бу йил маҳалла қўмиталари билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланади. Негаки, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда кўплаб беллашувлар ўтказишни режалаштирганмиз. Бу йўлда илк қадамлар ташланди ҳам. Наманган шаҳридаги «Спартак» ўйингоҳида Обод маҳалла йили ва Наврўзга бағишланган мусобақа ўтказилди. Унда шаҳардаги Сўфизода номли, «Шарқ тонги» ва Давлатобод туманидаги «Мустақиллик» маҳаллалари ёш спортчилари ҳамда касаба уюшмаларига қарашли БЎСМлар тарбияланувчилари мини футбол, сузиш ва югуриш бўйича баҳслашдилар. Умуман, биз бундан кейин ҳам барча меҳнат жамоаларида спортнинг кенг оммалашуви учун зарур бўлган барча чораларни кўрамиз.

Равзахон ДЕҲҚОНОВА,
Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари

Ифтихор

ЭВЕРЕСТДА ВАТАН БАЙРОҒИ

1998 йил 22 май куни бутун жаҳон бўйлаб хушхабар тарқалди: Ўзбекистон альпинистлари ер юзининг энг баланд чўққиси – Эверестни забт этдилар. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тарбияланувчилари мамлакатимиз спорт солномасини зарҳал ҳарфлар билан безадиларки, бу халқимиз мардлиги, матонати, куч-қудратининг ёрқин тимсолидир.

Дарвоқе, альпинизм ўйингоҳлар ва ишқибозларсиз спорт тури ҳисобланади. Кўп ҳолларда миллионлар эътиборидан бироз четда қоладиган бу ажойиб спорт турида рақиб жамоа ролини она табиат ўйнайди. Табиат инжиқликларини бемисл сабр-матонат, маҳорат билан енга олган спортчиларгина юксак чўққиларни забт этишга муваффақ бўладилар. Шу маънода, альпинистларимизнинг жамоавий тарзда дунё мамлакатлари орасида собиқ иттифоқ спортчилари ва ҳиндистонликлардан сўнг учинчи бўлиб Эверестга Ватанимиз байроғини ўрнатганликлари оламшумул воқеадир.



КАСАБА УЮШМА СПОРТИНИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

Касаба уюшма вакиллари мамлакатимиз спортчиларининг халқаро мусобақалардаги ғалабаларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳтумқули Маҳмудов, Оксана Чусовитина, Антон Ряхов, Баҳодир Қурбонов, Дилшод Орипов, Олим Худойқулов, Равил Нечаев, Антонина Москалёва, Надежда Пишулина, Дилшод Мансуров сингари моҳир спортчилар нуфузли мусобақалар — Олимпиада баҳслари, жаҳон кубоги ва чемпионати, қитъа биринчиликлари, Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этишмоқда.

* * *

Жанубий Корея. Пусан. XIV Осиё ўйинлари. 18 та спорт тури бўйича қатнашган касаба уюшма вакиллари 31 та — 9 та олтин, 9 та кумуш ва 13 та бронза медалини қўлга киритдилар. Гимнастикачи Оксана Чусовитина 2 та олтин ва 2 та кумуш, байдаркачи Антон Ряхов 1 та олтин ва 2 та кумуш медаллар соҳибларига айланди. Шунингдек, Антонина Москалёва, Надежда Пишулина, Юлия Барзова (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Равил Нечаев (сузиш), Алексей Чеглаков (юнон-рум кураши), Дилшод Мансуров (эркин кураш)лар қўксини ҳам мусобақа олтин медаллари безади.

* * *

МДҲ спортчилари ўртасидаги I Халқаро ўсмирлар ўйинларида енгил атлетикачи Светлана Родзевил кумуш медали билан тақдирланди. Д.Ҳамроқулов шоҳмотчилар ўртасида 4-ўринни эгаллади.

* * *

Сув спортига ихтисослашган Республика болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Антон Ряхов Жаҳон кубогининг Германия ва Польшада ўтказилган босқич беллашувларида 2 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритди. Юлия Борзова эса иккинчи ўрин билан кифояланди. Испанияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида уларга биттадан кумуш ва бронза медаллари насиб этди.

* * *

Касаба уюшма спорт мактаби велоспорт бўлими ўқувчиси С.Лагутин Белгияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Мазкур мактабнинг яна бир тарбияланувчиси – ёш, иқтидорли боксчи С.Раҳматов жаҳон кубоги ва чемпионати баҳсларида қатнашиб, кумуш ҳамда бронза медаллари билан тақдирланди.

ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Юлдузларимиз

ШИЖОАТИ ЗЎР ПОЛВОН

Алпомишга ватан бўлган Сурхон элининг полвонлари кўп. Улар Алининг майдонига ор-номус учун чиқадилар. Зеро, сурхондарёлик полвонларга бу хислат машҳур Давлагазар, Режаб полвон каби мард боболаридан мерос.

Термизлик Рўзи полвон Ўтаев нафақат мамлакатимиз, Марказий Осиё, балки жаҳон кураш майдонларида ҳам кураги ерга тегмай ўтди. У ҳар гал бел боғлаб майдонга тушганида кураш ихлосмандлари унинг маҳоратига тан беришар, олқишлашарди. Вақтсоати етиб Рўзи полвон устоз бўлди. Ўнлаб халқаро мусобақаларда зафар қучган Эрали Маҳмарасулов, Маҳтумқули Маҳмудов, Олим Худойқуловларга мураббийлик қилди. Қарангки, баъзан Рўзи Ўтаевнинг ўғилларидан полвон чиқмади-я, деган гаплар ҳам қулоққа чалиниб қоларди. Бу тошли гап, очиғи, унга оғир ботарди.

Полвонлик қон суради, ота-боболари курашчи бўлганлар албатта полвон бўлади, деган гапда жон бор экан. Рўзи полвоннинг тўртинчи ўғли Тўрабой ўрта мактабнинг юқори синфида ўқиб юрганида отасига шундай деди:

– Мен сизнинг болангизман. Сўз бераман, кураш майдонларини қизитиб, энг чапдаст полвон бўламан. Ана ўшанда одамлар Рўзи полвоннинг боласи-да, баччағар, дейишади. Бунинг учун менга кураш желаги олиб бер-сангиз бас!

Ўғлининг қатъиятли сўзлари отани сергаклантирди. Машғулотларда қатнашиши учун барча шароитни яратиб берди. Сўнг вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидаги БЎСМга бошлаб борди: самбо бўйича мамлакат чемпиони, спорт устаси Рўзи Қурбоновга шогирд сифатида топширди.

...Тўрабой полвон каттакичик кураш майдонларида бел олиша бошлаганига ҳам қарийб 6 йил бўлаёзди.



Унинг бошқалардан фарқли жиҳати, майдонга ғалабага бўлган зўр иштиёқ билан тушади, ҳеч ким, ҳатто рақиблари ҳам ўйламаган усулларни қўллайди. Негаки, полвон ўз устида изланишдан чарчамайди, жисмоний машқлар оғирлигидан чўчимайди. Дарвоқе, айни пайтда Термиз Давлат университетида сабоқ олаётган Тўрабой ёш бўлишига қарамасдан мақтанса арзигулик ютуқларни ҳам қўлга киритган. Аввалига уч маротаба самбо бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлган полвон 2000-2001 йилларда қитъа биринчилигида ҳам зафар қучди. Айниқса, 2001 йил Тўрабой учун омадли келди. Испаниянинг Лас-Палмас шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Москва шаҳрида ташкил этилган Бутунжаҳон ёш самбочилар мусобақасида эса кумуш медал соҳибига айланди. У ўзбек кураши бўйича ҳам қатор муваффақиятларга эришган. 2000-2002 йилларда катталар ўртасидаги мамлакат чемпионатида шоҳсупага кўтарилди. Ўтган йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

– Тўғри, озми-кўпми ютуқларга эришдим. Лекин ҳали олдинда забт этилмаган юксак довонлар турибди, – дейди Тўрабой полвон. – Эзгу мақсадларимдан асосийси жаҳон ва олимпиада ўйинлари чемпиони бўлиш!

...Кучи билакларига сиғмаган алп йигит кураш тушмоқда. Чапдастлиги, маҳорати, қолаверса, полвон отасининг дуоси унга куч бағишлайди: рақиби аттанг, дея юлдуз санаб қолади. Майдон олқишларга тўлиб-тошади. Дарҳақиқат, Тўрабой ҳозир каттакичик майдонларнинг зўридир. У эрта-индин жаҳон ва олимпия кураш майдонларида юртимиз шаъни, ор-номусини муносиб ҳимоя қилса, ажабмас.

Р.ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Республика касаба уюшмалари оғир атлетика спорт мактабининг ташкил этилганига 18 йил тўлди. Ана шу ўтган давр мобайнида бу ердан кўплаб таниқли оғир атлетикачилар етишиб чиқди.

ЁШ ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАР

Спорт мактаби моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёш оғир атлетикачиларга етарли шароитлар яратиб беришда касаба уюшмалари томонидан доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида ўқув-машғулот ишларини юқори савияга кўтариш, жиҳозлар сотиб олиш учун 7 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ўз самарасини бермай қолмади: бир нафар спорт устаси, икки нафар усталикка номзод, 100 нафардан ортиқ оммавий разрядлилар тайёрланди. Ўзбекистон биринчилиги ҳамда республика кубоги учун бўлган беллашувларда А.Пердибаев ва П.Мендибаев биринчи ўринни эгаллаб, юртдошларининг фахрига айланишди.

Ҳозирда машғулотларга қатнашаётган 305 нафар ёш оғир атлетикачига Вячеслав Пак, Зарифбой Пердибаев, Мурод Аметов, Тоҳир Мадаминов сингари ўн бир нафар тажрибали мураббий устозлик қилмоқда.

Э.БОЛТАБОЕВ

Намунали иншоотлар

«ДЕЛЬФИН» СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Касаба уюшмалари БЎСМлар, спорт-соғломлаштириш клублари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спортчиларга етарли даражада шарт-шароитлар яратиб беришга муҳим эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда республикамизнинг турли ҳудудларида замонавий ўйингоҳлар, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари бунёд этилиб, мавжудлари таъмирланаяпти. Масалан, ўтган йили Термиз шаҳридаги «Алпомиш» стадионида олиб борилган кенг қамровдаги таъмирлаш-ободонлаштириш ишларидан сўнг иншоот замонавий кўриниш касб этди. Айни кунларда пойтахтимизнинг Яккасарой туманида улкан спорт-соғломлаштириш мажмуи, Самарқанд шаҳрида эса сузиш ҳавзаси қурилишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли «Дельфин» сузиш ҳавзаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Замонавий типда бунёд этилган, барча қулайликларга эга сузиш ҳавзаси ўтган йили май ойида, республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси очилиши арафасида фойдаланишга топширилган эди. Айни кунларда бу ерда мураббийлар – Умиджон Худойқулов ва Гўзал Жўраева ўз гуруҳларидаги 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга бросс, батерфлей, дельфин ҳамда кўкракда крол ва чалқанча сузиш усулларини ўргатмоқда. Бундан ташқари, Термиз Давлат университети талабалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари машғулотларини сузиш ҳавзасида ўтказишмоқда.

– Асосий фаолиятимиз маҳоратли спортчилар тайёрлаш, оммавий мусобақалар ўтказиш орқали вилоятда сув спортини ривожлантириш, аҳолини соғломлаштиришга йўналтирилган. Имкониятларимиз кўп. Мисол учун, ҳавзамизда 6 нафар мураббий иш юритиши керак. Ҳозир шу мақсадда иш олиб боряпмиз. Демак, яқин орада тарбияланувчиларимиз сони 270 нафарга етади. Уларга яқин ойларда синхрон ва сув полосида сузишни ўргатиш ҳам режалаштирилган, - дейди сузиш ҳавзаси мажмуи директори Қурбон Эргашев.

«Дельфин»да маҳоратларини ошираётган касаба уюшма тизимидаги спорт мактаблари ўқувчилари келгусида миллий терма жамоаларимиз сафида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишади. Зеро, бунинг учун етарли имконият мавжуд.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида соғлом турмуш гарови бўлган жисмоний тарбия ва спорт тараққиёти йўлида аҳамиятга молик катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, унутилаёзган халқ ўйинлари ва миллий спорт турларимиз, хусусан, белбоғли ва миллий курашлар оммавийлигини таъминлаш, уларни жаҳон майдонларига олиб чиқиш борасида қисқа вақт ичида улкан ютуқларга эришилди.

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

Турон яккакурашини оммавийлаштириш ва ривожлантиришга пойтахт вилоятилик жонкўяр спорт мутахассислари, қолаверса, касаба уюшма вакиллари муносиб улуш қўшаётирлар. Ҳозирги пайтда вилоятимизнинг Тошкент, Зангиота, Қибрай, Янгийўл туманлари, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида ўттиз нафар тажрибали мураббий раҳбарлигида олиб борилаётган машғулотларда 5 минг нафарга яқин ўғил-қиз иштирок этмоқда. Файзулло Раҳимов, Бахтиёр Ҳидоятов, Саъдулло Хўжаев, Игорь Юй-Куй-Вен, Фарҳод Магаметов каби фидойи ва изланувчан мураббийларнинг шогирдлари қўлга киритаётган ютуқлар, айниқса, қувончлидир.

Тошкент туманидаги миллий спорт турларига ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимиз бундан қарийб 4 йил аввал ташкил этилган бўлиб, 2002 йилдан бошлаб унга моҳир мураббий, спорт устаси Акром Шердонаев раҳбарлик қилиб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида вилоят Турон яккакураши Федерацияси раиси сифатида ҳам фаолият юритаётган тиниб-тинчимас ёш мутахассис саъй-ҳаракатлари билан мақтовга арзигулик муваффақиятларга эришилди. Мисол учун, 2001 йилда биргина Турон яккакурашчилари ҳисобидан 2 нафар спорт устаси, 13 нафар усталикка номзод, 20 нафар биринчи даражали спортчилар тайёрланди. Ўтган йилги натижалар эса янада салмоқли бўлди. Вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсдаги 12 та мусобақа ва турнирда муваффақиятли қатнашган тарбияланувчиларимиздан 3 нафари спорт устаси, 18 нафари усталикка номзод, 23 нафари эса биринчи даражали спортчи талабларини бажаришди. Шу боис 2002 йилда вилоятимиздаги қишлоқ БЎСМлари орасида энг яхши деб топилди.

Жорий йилдан бошлаб, спорт мактабида миллий ва белбоғли кураш бўлимлари иш бошлади. Айни пайтда бу ерда 350 нафардан ортиқ ёшлар ўн нафар тажрибали мураббий сабоқларини олаётир. Нокамтарлик бўлса-да, кези келганда таъкидлашни истардим: спорт мактабимиз вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, жамиятимиз томонидан доимий равишда қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Умид қиламизки, спорт мактабимиз ўқувчиларининг ёрқин ғалабалари ҳали олдинда.

Саидориф ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти етакчи мутахассиси

Саҳифани «Ишонч» мухбири Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади



Спорт

ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Ўсмирлар ўртасида бир ҳафта давом этган шоҳмот бўйича Осиё биринчилиги баҳслари ниҳоясига етди. Беллашувларда тўққиз мамлакатдан келган қирққа яқин ёш шоҳмотчи иштирок этди.

Муросасиз кечган учрашувларнинг ўсмирлар баҳсида қозоғистонлик Раун Манкиев чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритди. Иккинчи ўринга эронлик Алави Сайёд Жавад лойиқ деб топилди. Ҳамюртимиз Темур Гариев эса учинчи ўринни эгаллади. Қизлар орасида вьетнамлик Хоанг Ти Баотрам Осиё чемпиони бўлди. Ўзбекистонлик Юлдуз Ҳамроқулова ва қозоғистонлик Гулмира Давлетова иккинчи ва учинчи ўринларни банд этди. Чемпионатнинг ғалабага бўлган ишонч соврини ўзбекистонлик Фарҳод Мирзабоевга топширилди.

Мутахассислар фикрича, Осиё биринчилиги баҳслари мамлакатимиздан кўплаб умидли, иқтидорли ёш шоҳмотчилар етишиб чиқаётганини кўрсатди. Мусобақаларда ўн саккиз нафар ўзбекистонлик ёш шоҳмотчи ўз тенгқурларига қарши дона сурди. Уларнинг ҳаракат ва иқтидорлари мураббийлар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Шоҳмот бўйича Осиё биринчилигининг ёпилиш маросимида Фарғона вилоят ҳокими А.Отабоев иштирок этди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтказилаётган «Баркамол авлод-2003» спорт мусобақалари бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур мусобақа бу гал Андижон вилоятида бўлади. Шу муносабат билан бу ерда тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Зарур иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишлари якунланаётир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан маълум қилишларича, ушбу спорт мусобақаларида 14 спорт тури бўйича беллашувлар ўтказилади. Бу ўтган галгидан олтита кўпдир. Шунингдек, бунда спортчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамлар аввалги мусобақаларидагидан кўра 900 нафардан кўп иштирок этиши кутилмоқда.

(ЎзА)

Тадбир

«МАҲАЛЛА — САНЪАТ БУЛОҒИ»

Жиззах шаҳрида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг «Маҳалла — санъат булоғи» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган тадбир вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят маркази ҳамда тармоқ касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказилди. Танловдан кўзланган асосий мақсад жойлардаги ҳаваскорлик жамоалари таркибидан иқтидорли ижрочиларни аниқлаш, ўзбек қўшиқчилиги, рақс, алла ижрочилиги, мақом, цирк санъатини янада ривожлантиришдан иборатдир. 11 та йўналиш бўйича жамоалар ўз санъатларини намойиш этишди.

Кўрик-танловда 11 та туман ҳамда Жиззах шаҳар бадиий ҳаваскорлари иштирок этишди. Фориш тумани бадиий ҳаваскорлари бош совринни қўлга киритишди. Дўстлик тумани санъаткорларига биринчи ўрин насиб этди. Ғаллаорол, Жиззах туманлари жамоалари иккинчи ўринни, Пахтакор, Мирзачўл, Зомин туманлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари учинчи ўринни эгалладилар. Ғолиблар тармоқ касаба уюшма қўмитаси томонидан тақдирландилар. Ғолиб жамоалар кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

— Кейинги йилларда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танловларини ўтказиш анъанага айланди, - дейди ҳайъат аъзоси Исматулла Кудратов. — Натижада янги-янги истеъдодларни кашф этяяпмиз. Ҳар бир туманнинг ўзига хос мақоми, алласи бор. Кийинишлари ҳам ўзларига хос ва мос. Ҳар бир танловда янги номларнинг пайдо бўлиши, қувончли ҳол, албатта.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар

Санъат

КОНСЕРВАТОРИЯГА ТУҲФА

Ўзбекистон давлат консерваториясида бир ҳафта давом этган ҳинд мусиқа чолғу асбоблари кўргазмаси якунланди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Ҳиндистон маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир доирасида нафақат консерваторияда, балки пойтахтимиздаги бир неча санъат ўқув юртида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шарат Сабхарвал ўн хил ҳинд мусиқа асбобини консерваторияга туҳфа этди.

Тадбир доирасида Деҳли университети профессори Сунаира Касливалнинг сетор, Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази мусиқа ўқитувчиси Устод Илмас Ҳусайн Хоннинг табла мусиқа асбобларидаги концерт дастури намойиш этилди. Ўзбекистоннинг «Сўғдиёна» чолғу асбоблари камер оркестри билан ҳиндистонлик мусиқачилар қўшма концерти ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Футбол

НАТИЖА БОШҚАЧА БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИ

Иш куни, фаслга хос бўлмаган салқин ҳаво, шивалаб турган ёмғир... Шунга қарамай чоршанбага белгиланган Ўзбекистон ва Белорус миллий терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашувини бевосита томоша қилиш учун ашаддий футбол ишқибозлари «Пахтакор» стадиони ўриндиқларидан жой олдилар.

Лекин, таассуф билан айтишимиз лозимки, улар унчалик кўп эмас эдилар. Ҳар ҳолда Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ матчлари ва ҳали хотирамиздан ўчиб улгурмаган 22 апрел куни «Пахтакор» — «БЕК Теро» учрашувидаги ҳолатни биз кўрмадик. Нега? Шунчаки, кейинги муҳим ўйинлар олдидан кўрик вазифасини ўташи эҳтимол тутилган ўртоқлик учрашуви бўлгани учунми ёки...

Чамаси, ҳамма гап ана шу «ёки»да. Аслида бунга рекламанинг йўқлиги сабаб, деб бемалол айтишимиз мумкин. Жуда кўпчилик телевизор мурватини беихтиёр бурабгина шундай ўйин борлигини билиб қолган бўлса ҳеч ажаб эмас. Ахир ҳамма ҳам ўқиш ёки ишга «Пахтакор» стадиони ёнидан ўтиб бормайди-ку!

Учрашув 2:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Эдуард Малафеев кўрсатмаларини аниқ-пухта бажарган белоруслар бутун ўйин давомида асосий эътиборни ҳимояга қаратдилар; вақти-вақти билан тезкор қарши ҳужум уюштириш тактикаси ўзини оқлади. Айниқса, 1:1 ҳисоби қайд этилиб турганда тажрибали чап қанот ҳужумчиси Владимир Кузнецов томонидан А.Поляков кўриқлаётган дарвозага киритилган тўп қойилмақом тарзда ижро этилди. У Испаниянинг «Реал» клуби тўпурари Раулнинг хаттиҳаракатларини эслатиб юборди. Дарвозабонимиз гўё тўп йўналишини топгандек бўлса-да, унинг йўлини тўсишга ожизлик қилди.

Ўзбекистон термаси аъзоларида ҳисобни тенглаштириш, ҳатто олдинга чиқиб олиш имкониятлари бўлган эса-да, ҳал қилувчи зарбани берувчи футболчи топилмади. Иккинчи бўлим якунига 15-20 дақиқалар қолганда майдонга тушириган Зайниддин Тожиев, Александр Гейнрих, Сервер Жепаров, Илёс Зейтуллаев каби ўйинчилар ҳам, таъбир жоиз бўлса, илгарилаб кетган поездга етиб олишнинг чорасини тополмадилар.

Яна юқоридаги фикримизга қайтамиз. Ўйлашимизча, ўйиннинг бу таҳлит якун топишига нафақат майдонда ҳаракат қилган футболчилар, ушбу учрашув ташкилотчилари ҳам айбдордирлар. Тасаввур қилинг-а, қанча вақтдан буён Тошкентда бўлмаган Максим Шацких, Андрей Акопянц, Николай Ширшов, Владимир Шишелов ва умуман, турли мамлакатлар клубларида тўп сураётган терма жамоа аъзолари майдонга тушаётиб, минбарларнинг анчайин хувиллаб турганини кўриб, иштиёқлари сўнмадимикан? Ахир улар ўз мухлислари ҳузурида нималарга қодир эканликларини, бежизга ҳорижда ўйнамаётганларини кўрсатиб қўйиш учун ҳам ватанларига ташриф этишган эди-ку!

Спорт, бу сиёсат. Шаҳншавкатга эришишнинг энг тезкор ва энг оммавий воситаси. Зеро, унга ёндошув ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ЯПОНИЯДАН КЎП НАРСАНИ ЎРГАНИШ МУМКИН

дейди Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ибодулла Бобоев

Бу ўқув маскани ҳақида кўп ибратли гапларни айтиш мумкин. Илм даргоҳида бир неча йил мохирлик билан раҳбарлик қилиб келган Толиб Олимовдаги тажриба шогирдларига кўчган. Айни пайтда бу ерда 990 нафар ўқувчи 8 йўналиш бўйича илм олаяпти. Уларга 87 нафар малакали мутахассис таълим-тарбия бермоқда.

– Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастури асосида изчил фаолият юритмоқдамиз, - дейди коллеж директорининг ўринбосари Ибодулла Бобоев. – Мустақиллик шарофати ила ўтган йилнинг ноябр-декабр ойларида Японияда бўлиб, у ердаги ўқув ишлари билан танишиб қайтдим. Менга японларнинг билимга муносабати ёқди. Ҳар бир дақиқа ҳисобли. Бекор юрган кишини учратмайсиз. Ёшлар фақат ўқиш, илм олиш ва малакали мутахассис бўлишга интилишади.

Шукрки, мамлакатимизда таълимга эътибор тубдан ўзгарди. Ёшлар учун барча имкониятлар муҳайё этилмоқда. Бунга ўзимизнинг коллеж яққол мисол. Таъмирдан чиққанидан сўнг у бутунлай ўзгача тус олди. Замонавий ўқув қуроллари, компьютер тизими ёшлар ихтиёрида. Кутубхона, ётоқхонада барча қулайлик яратилган.

Жорий йилнинг июл ойида коллежимиздан яна икки ўқитувчимиз кунчиқар мамлакатига йўл олади.

Дарвоқе, коллеж раҳбари Карим Остоновнинг таъкидлашича, талабаларнинг ўзлаштириши 91 фоизни, давоматі 96 фоизни ташкил этяпти. Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида малака ошириб қайтган муаллимлар ҳар бир дарсни ўқувчилар онгига сингдириш учун астойдил интилаётирлар. Бундан ташқари коллежнинг ўзида доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилган бўлиб, муаллимлар вақтиваҳти билан билимларини синовдан ўтказадилар.

Бу ерда таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Автомобил йўллари институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Улар билан ҳомийлик шартномалари тузилган.

Ҳозирги кунда коллежда умумтаълим фан ҳоналари тўлиқ жиҳозланган бўлиб, касбий фан ҳоналари ва устахоналар учун Япониянинг имтиёзли кредити ҳисобига жиҳозлар олиш кутилмоқда.

Битирувчиларни иш билан таъминлашда меҳнат бўлимлари билан шартномалар тузилган. Ҳар бир талабанинг тақдири назоратда. Бу ерда ўқувчилар билимларини мустаҳкамлаб боришлари учун «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Истеъдод» кўрик-танловлари, Меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказиб турилибди. Шунингдек, кам таъминланган оила фарзандларидан 34 нафарига доимий равишда моддий қўмак берилади.

«Огоҳлик – муқаддас бурч» мавзуида иншо кўрик-танловида ғолиб чиқиб иккинчи ўринни олган Дилором Азизова коллежнинг аълочи талабаларидан. «Санъатим-саодатим» кўрик танловида эса коллеж талабалари биринчи ўринни эгаллаб, ўз иқтидорларини намоён этдилар. Президент асарларини ўрганиш бўйича ҳам ўқувчилар ўртасида танловлар мунтазам равишда ўтказилаяпти.

Ёшларни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Ўйғун Авлоқулов 60 килограмм вазнда миллий кураш бўйича иккинчи ўринни олган бўлса, енгил атлетика бўйича ўтказилган беллашувда Сирожиддин Саидов биринчи ўринни қўлга киритди. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида ҳам коллеж талабалари муносиб ўринни эгалладилар.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири

Суратларда: Ибодулла Бобоев талабаларга Япония тажрибасини сўзлаб бермоқда. Коллеж биносининг таъмирдан сўнгги кўриниши.

Тарих зарварақлари

ТЕМУР БИЛАН УЧРАШГАН САЙЁҲ

Тарихий асарларнинг шаҳодат беришича, 1480-1490 йилларга келиб, Амир Темурнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий салоҳияти шу қадар ўсиб ривожландики, унинг шон-шуҳрати Англия, Франция, Италия, Испания ва Византия мамлакатларига қадар бориб етди. Оврўпанинг қатор қудратли давлатлари турк султони Йилдирим Боязид томонидан қилинажак босқинлардан ҳавфсираб, бу бало-қазонинг олдини олиш учун Темурнинг қудратли давлатидан паноҳ излайдилар. Бу мақсадда Оврўпанинг қатор мамлакатларидан элчилар келиб, ўз ҳукмдорларининг мактубларини топширганлари тарихдан маълум. Жумладан, Темурнинг учинчи ўғли саналмиш, Ироқ, Эрон ва Озарбайжон ҳукмдори (1393-1408) Мироншоҳ билан Франция ва Англия қироли ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни тиклаш борасида қилинган ёзишмалар ҳамон Британия музейи ва Париж миллий кутубхонасида сақланиб келинмоқда.

Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390-1406) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам 1403 йили Амир Темур билан учрашган. Унинг Ўрта Осиёга элчилик саёҳати 1402 йил май ойида бошланиб, ўн беш ой деганда Самарқандга етиб келган. Бу саёҳатда илоҳиёт илмининг магистри Санта Мария билан қиролнинг махсус соқчиси Гомес де Салазар ҳам ҳамроҳ бўлиб келган эди. Бу ҳақдаги маълумот Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»ларида ва Ибн Арабшоҳнинг эсдаликларида ҳам сақланиб қолган. Аслида Клавихонинг бу саёҳатига Амир Темур томонидан 1402 йил Испанияга Хожа Муҳаммад қози бошчилигида юборилган элчилар сабабчи бўлган эди. Шундан кейин ўша йилнинг ўзида Генрих III нинг элчилари Пелагия де Сатаматир ва Дон Фердинант Амир Темур Қорабоғда турганда унинг ҳузурига етиб келишган. Улар Темур билан Боязид ўртасидаги қирғинбарот урушнинг ҳам иштирокчиси бўлган эдилар. Ўшанда Низомиддин Шомий улардан бошқа бир қанча оврўпалик элчилар ҳам Амир Темурнинг қабулида бўлганлигини эслатади.

Албатта, Клавихонинг Темур ҳузурига қилган элчилик сафари енгил кечмаган. Унинг сафар хотиралари жуда узоқ, хавф-хатар ва машаққатларга тўла бўлган. Улар ибтидоий шароитдаги оддий елканли кема билан Ўрта ер денгизи бўйлаб сузиб, сўнгра қуруқликда Туркия, Арзирум, Табриз, Машҳад, Марв ва Балх орқали Самарқандга кириб келган. Клавихо ёзган сафар кундаликларида Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқ оммасининг яшаш шароити ҳам йўл-йўлакай тасвирлаб кетилган. Шунингдек, соҳибқирон қурдирган бино ва қасрлар, масжидлар, мадрасалар, боғроғлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар жуда ихчам бир тарзда тасвирлаб кетилган. У темурийларнинг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Мўғилистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган алоқаларини ҳам қаламга олади.

Бу ноёб кундаликда Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар, соҳибқироннинг аҳли-аёллари, болалари ва набиралари ҳақидаги жуда қимматли маълумотлар бор. Жумладан, пойтахт Самарқанднинг бойлиги ҳақида: «Бу юрт дон-дун, май, мева-чева парранда ва бошқа ҳар хил гўшт маҳсулотлари, қўйингки, ҳамма нарсага бойдир», деб хабар беради Клавихо. У арзончиликни кўриб, ҳаяжонини яширолмайди: «Бир жуфт семиз қўйнинг нархи 1 дукат. Мен у ерда Хонбалиқ (Пекин) дан келган 800 туядан ташкил топган савдо карвонининг Самарқандга кириб келганини кўрдим». Клавихо Амир Темурнинг ўзи билан бирга олиб юриладиган кўчма масжиди ҳақида ҳам маълумот беради: «...Бизни сарпардада қўйилган ёғоч уй олдига бошлаб бордилар. Бу баланд иморатга зинапоя орқали чиқилади. Унинг теваракатрофи ёғоч даҳлиз ва ойнаванд айвон билан ўралган эди. Тамом зарҳал ва ҳаворанг бўёқлар билан нақшланган бу бино керак бўлганда йиғиштириб, тахлаб қўйилса ҳам бўларди. Бу жаҳонгир Темур ибодат қиладиган масжид бўлиб, уни шоҳ сафарда ўзи билан бирга олиб юрарди».

Клавихонинг, айниқса, маҳаллий халқнинг маиший турмуши ҳақида айтган ҳаққоний гаплари эсда қоларлидир: «...Чиғатой аҳолиси гўштсиз овқат билан ҳам тирикчилик қилишга ўрганган. У иссиқ ва совуққа, очлик ва ташналикка чидамлиликда бошқалардан сабрлироқдир. Борида гўштни ҳаддан ортиқ истеъмол қилади, йўғида сувга қатиқ қўшиб қайнатиб ичиш билан ҳам кифояланаверади». Клавихо Амир Темур қилган тўйларнинг ҳам иштрокчиси бўлган. Унда сайёҳ подшоҳнинг аҳли-аёллари аҳлоқ-одоби, юриш-туриши, бўйи-басти, муомаласи, ҳусни-жамоли, кийиниши ҳақида бир талай маълумотларни келтиради. Жумладан, у Хонзода бегимнинг тўйда иштирок этганлигини эслайди.

Хонзода бегим Амир Темурнинг келини бўлиб, асли Жўжихон наслидан тарқаган Хоразм ҳукмдорларидан биринг қизи бўлиб, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг набираси ҳисобланган. Унинг асли исми – Севинч бека бўлиб, дастлаб у Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгирнинг хотини бўлган. Жаҳонгир Мирзо 20 ёшида вафот этгач, соҳибқирон уни учинчи ўғли Мироншоҳга узатган. Мана Клавихо шу аёл ҳақида нималар дейди: «...Бегим кўринишда қирқ ёшлар чамасидаги, тўладан келган, оқ юзли, гўзал аёл эди».

Шундан сўнг Клавихо Қозонхоннинг қизи, Шоҳруҳнинг онаси – Сароймулкхоним тасвирига ўтиб, унинг кийиниши, ясан-тусани хусусида маълумот беради: «...Эгнида зар билан тикилган, этаги ерга судралиб турадиган узун ва кенг, енгсиз, қизил шойи кўйлак. Ёқа ва икки енг ўрнидан бўлак очиқ жойи бўлмаган бу кўйлак белидан торайтирилган, этагига қадар кенгайиб боради. Кўйлак этагини ўн бешга яқин канизаклар кўтариб борарди. Хонимнинг юзига офтобдан сақланиш учун шу қадар кўп упо сурилган эдики, чеҳраси бамисоли оқ қоғозни эслатарди. Унинг бошида худди жангда кийиладиган дубулгага ўхшаш баланд, қизил тусдаги кийими бор эди. Ўша бош кийимга эса жуда кўп йирик, марваридлар, ёқут, феруза ва бошқа хилма-хил тошлар қадалган. Хонимнинг тим қора сочлари елкасига тушиб турарди». Темурнинг набираси Халил Султоннинг эса кўринишини отасига ўхшатиб, миқти гавдали, оқ юзли, тахминан 22 ёшлардаги йигит эди, деб эслайди.

Кундалик муаллифи Клавихонинг ўзи ҳам қироллик хизматида, катта бир мансабда ишлаб турган. Унинг отаси ҳам, ўзи ҳам Генрих III нинг эътиборига сазовор бўлган кишилардан эди. У Темур ҳузуридан қайтиб юртига келгач, қиролнинг вафотидан кейин 1406 йилда она шаҳри Мадридга кўчиб кетади ва умрининг охиригача ўша ерда яшайди. Клавихо 1412 йили вафот этади. Унинг мазкур кундалиги ёзиб бўлингач, дарҳол китоб ҳолатида чоп эттирилмаган. Фақат орадан 150 йил ўтгач, бу асар 1582 йилда Испаниянинг Севилья шаҳрида «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» номи билан чоп этилди. Орадан яна 2 аср ўтгач, 1722 йилда худди шу номда бу асар иккинчи марта Мадридда чоп этилди. Учинчи маротаба эса 1949 йилда яна Мадрид шаҳрида босиб чиқарилди. 1881 йилда эса ноёб асар Петербургда рус тилида нашр этилди. Ниҳоят, асримизнинг 90-йилларига келиб, профессор Очил Тоғаев бу тарихий асарни ўзбек китобхонларига тақдим этди. Шундан бери у ўзбек хонадонлари китоб жавонидан муносиб жой эгаллаб келади.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмасининг Марказий Кенгаши Наманган вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг раиси Муҳиддин ЛАТИПОВга волидаи муҳтарамаси
МАҲСУДАПОШША аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси молия бўлими бошлғининг ўринбосари Ашур АСАДОВга акаси
Сафар АСАДОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон боғдорчилик механика заводининг касаба уюшма қўмитаси раиси Жиянбой ИБРОҲИМОВга акаси
Барат ИБРОҲИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6